



Taqiqot.uz



АНДУМАН | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



2022
ДЕКАБР
№47



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz

www.conferences.uz

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
3-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-3**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-3**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 46-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 25 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохигда Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Ҳамидович «ТИИМСХ»

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдор.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Сахифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов: tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛANIШЛАР

1. Matyakubov Shonazar Sobirovich, Matyakubov Xolbek Shonazarovich ХИВА ХОНЛИГИДА МЕТАЛЛСОЗЛИК: УЙ-РЎЗФОР БУЮМЛАРИ, ЗАРГАРЛИК, ОТ АНЖОМЛАРИ ВА ҚУРОЛ-ЯРОГЛАР ТАЙЁРЛАШ	7
2. Axmadov Dovudxon Xabibulloyevich ILK O'RTA ASRLAR SUG'DDAGI МАНКАМА VA DEVON ISHLARI TARIXI.....	10
3. Isomiddinova Shahlo Abdusalimovna TARIX VA TARBIYA DARSLARIDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH	12
4. Muminova Vazira Mirxalikovna TURKISTON MA'RIFATPARVARLARINING TARIXIMIZDAGI O'RNI	14
5. Yoqubova Intizor Raxmatillayevna TARIX FANI VA UNING TARMOQLARI	15
6. Эргашев Сухроб Мухиддинович БОШ ВАҚФ БОШҚАРМАСИНинг МАДАНИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ	16
7. Rajabov Botirjon Qahramonovich, O'sarova Xurshida Bo'riyevna CHET EL TA'LIM TIZIMIDAGI TAJRIBALAR DAN FOYDALANIB TARIX DARSLARINI TASHKIL ETISH	18
8. Kirgizova Mavluda Abdulamitovna, Xolmatova Sevara Abduqahhorovna TARIX VA TARBIYA DARSLARINI TASHKIL ETISHGA INNOVATSION YONDASHUV	20
9. Raximboyeva Gulxumor Rustamovna, Otoxonov Shaxzod Bahrom o'g'li TARIX DARSLARIDA ZAMONAVIYAXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH	22
10. Umarov Sherzod Maxmudovich O'RTA OSIYO VA QOZOG'ISTON MUSULMONLAR BOSHQARMASI FAOLIYATIN- ING DASTLABKI YILLARI	24



ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

ХИВА ХОНЛИГИДА МЕТАЛЛСОЗЛИК: УЙ-РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ, ЗАРГАРЛИК, ОТ АНЖОМЛАРИ ВА ҚУРОЛ-ЯРОҒЛАР ТАЙЁРЛАШ.

Матякубов Шоназар Собирович
Хоразм Маъмун Академияси илмий ходими
+998 90 719 00 66

Матякубов Холбек Шоназарович
Хива Ичан-Каъла давлат музей-
курикхонаси бўлим мудири
+998 91 422 44 44

Аннотация: Мақолада Хива хонлигига XVI-XVIII-асрларда мавжуд бўлган хунармандчилик турларидан металлсозлик: уй-рўзгор буюмлари, заргарлик, от анжомлари ва қурол-яроғлар тайёрлаш ҳақида шунингдек хунармандлар томонидан тайёрланган буюмлар ва уларда ишлатилган хом-ашёлар хусусида маълумот берилади.

Калит сўзлар: Хива, хунармандчилик, темирчилик, заргарлик, муҳр, мис, амалий санъат, олтин, кумуш, фируза.

Хоразмда XVI-XVII-асрларда шаҳарсозлик фаолияти тўхтаб, суғориладиган ерлар қисқариши натижасида хўжалик ҳаёти издан чиқиб, минтақада савдо фаоллиги сусайган эди. Ёзма манбаларда маълумот берилишича бу даврда хунармандчиликнинг заргарлик, ёғоч ўймакорлик, тоштарошлиқ, қандакорлик, шиша ишлаб чиқариш сақланиб қолган, кўнчилик, ип-газлама, шой тўқимачилиги ривожланган, аммо улар гулсиз, сидирға бўлган, айримларигина бир хил ранг ёки турли рангда йўл-йўл безак берилган. Хива хонлигига кенг тарқалган хунармандчилик турлари ичida металлсозлик-металлга ишлов бериш алоҳида аҳамият касб этган. Металл рудалари хонликда кам бўлиб, кўрғошин, мис, темир ва чўянни хиваликлар Россия давлатидан олганлар. “XVI-асрдан бошлаб Москва давлатининг ривожланиши Хива хонлигига савдо фаолиятини жонланишига, Хиванинг Москва билан дипломатик алоқалар ўрнатишига олиб келди. 1557-йилда ёқ Астраханга Урганчдан савдогарлар ҳар-хил моллар олиб келишди. 1559-йилда Москвага Хива элчилари келди. Шундан кейин 1583-1600 йиллар давомида Москвага уч маротаба Хива элчилари ташриф буюрганлар”[1]. Хивага олтин ва кумуш Россиядан ташқари Эрон, Кўқон ва Бухородан ҳам келтирилган.

Металлга ишлов беришнинг муҳим соҳаси темирчилиkdir.Хива шаҳри хунармандлари орасида темирчилар кўпчиликни ташкил этар, аҳолининг катта қисми бу ҳунар турига ихтисослашувида ҳам кўриш мумкин.”Улар аҳолини кетмон, ўрок, белкурак, поза, бўйинтурук, appa, болта ва бошқа иш қуроллари билан таъминлар эдилар”[2]. Шаҳарда тақачилар, қулғарлар, пичокчилар, ўрокчилар, игначилар, михгарлар аҳоли қатламига ўз маҳсулотларини етказиб берар эдилар. Темирчилар маҳсулотлари хилма-хил ва харидоргир бўлиб, нафакат оддий фуқаролар орасида, балки саройда ҳам эҳтиёж катта эди. Темирчилар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар орасида белкуракка эҳтиёж катта эди. Асосан пахса уйлар қурилиши, канал ва ариқлар қазищ, боғ ва бошқа хизматларини бажаришда энг кўп қулланиладиган меҳнат қуроли –белкуракни ясаш учун ҳар 2-3 йилда икки минг пуд металлга эҳтиёж бўлган”[3]. Хунармандлар орасида чўян билан ишловчи кам сонли усталар ҳам бўлиб, улар позачилар, қозончилар, манғаллар, чўян чойнак ясовчилар ва арава ва тегирмонлар учун юмалоқ ҳалқалар тайёрловчи учталардан иборат эди.”Хоразмда айниқса Хивада ривож топган ҳунарлардан бири мис ўймакорлиги, яъни қандакорлиkdir”[4]. Қандакорлар олтин, кумуш, мис, жез ва бошқа металлардан ҳар хил буюмлар ясад, уларга нақшлар ўйишган, қадама нақшлар билан зийнатлашган[5]. Уста хунармандлар томонидан



тайёрланган бундай маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган. Академик Я.Фуломов-“Араб Мухаммадхон даврида марказни Хива шаҳрига кўчирғанлар, шу даврдан бошлаб хонлик Хива хонлиги номини олди”, [6]-деб ёзади.Хива хонлик марказига айлангандан кейин шаҳарда мис ўймакорлиги буюмлари ишлаб чиқариладиган устахоналар сони ортган. Кумон-кумғон ҳар бир хиваликнинг хонадонида бўлиб, янги оила қураётган келин ўзи билан олиб келиши шарт ҳисобланган.”Мис кумғонларда овқатланишдан олдин ва кейин қўлни ювиш тавсия этилган”[7]. Хива қумғонлари алоҳида ўзига хос шаклга эга бўлиб,дастасиз,корни ноксимон ва баланд ингичка бўйинли қилиб ишланган.Хива хонлиги таҳти улуғворлиги,нодир безаклари тарихий манбаларда тилга олинади. XVIII-асрда саройда бўлган таржимон Гуляев ва девон хизматчиси Чучалов “Хива хонининг олтин таҳтда олтиндан бош кийим кийиб ўтирганлигини” қайд этганлар” [8]. Хивада муҳр тайёрлаш хунари ҳам ривож топган бўлиб, муҳрлар мис,олтин,кумуш ва бошқа металллардан ишланган. 1643-1663 йилларда Хива таҳтини қарийиб йигирма йил одилона бошқарган Хива хони Абулғози Баҳодирхон ўзининг 1661-1663 йилларда ёзиб қолдирган “Шажараи турк” тарихий асарида “Шул куни бозордин бир муҳрқонни келтуруб, отасининг отина муҳр қаздурди”[9]. деб қайд этиб ўтади.Амалдорлар ва дин пешволари ҳам ўз муҳрларига эга бўлиб,улар турли шаклларда ясалган. Муҳрга соҳибининг исми,лавозими,муҳр тузатилган сана,айримларига Курон оятлари ёзилган.Ҳар бир хукмдорнинг ўз муҳр тузатувчи устаси –муҳркани бўлган.Баъзан аслзода аёлларнинг ҳам муҳрларига эга бўлганликларини яна Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи-турк” асаридаги қуйидаги қайдлари орқали билиб олишимиз мумкин: “Отасининг кўчи Муҳаммад фози сultonнинг синглиниг отина бир муҳр қаздурди”[10]. Металлга ишлов беришнинг муҳим тармоқларидан бири заргарлик бўлган. Хивалик заргар хунармандлар олтин, кумуш буюмларга нафис тошлар билан сайқал бериб, Хоразмга хос қимматбаҳо заргарлик буюмлар яратганлар.”Заргарлар учун ҳам зарур бўлган олтин ва кумушни савдогарлар Россия, Бухоро ва Кўқондан олишган”[11]деган фикрлар айтилган. Аммо айрим манбааларда “18-аср ўрталарида Хивадан Россияга куп миқдорда тилла ва кумуш, маълум жинсли тошлар олиб кетилгани”лиги [12] ҳақида маълумотлар берилади. Хивалик заргар усталар тақинчоқларни тайёрлашда анъанавий усуллардан файдолангандар булар қўйма, тоблаш, кандалорлик, босма, ўйма, сир бериш, қадама, симтўр, хал бериш ва бошқалар. Барча безаклар маълум бир вазифага ва маросимий маъноларга эга бўлган.Аёллар заргарлик буюмлари бош, кўкрак ва бел қисмларига бўлинган.Эркаклар кийим бошини алоҳида мардонаворлик тимсоли ҳисобланган кумуш камар ва қурол тўлдириб турган. Болалар кийимларида эса соғлик-саломатлик ва баҳт-иқбол тимсолини ифодалашган.

Тумор-цилиндр шаклидаги аёллар бош кийим бўлиб,одатда аёллар дўпписига кўшиб тикилган. Арабчада тумор сўзи бало қазолардан сақловчи дуо деган маъноларни билдиради. Осма дузи-ёки қанот осма тиллақош. Мажусийликда ҳаёт дарахтини англатувчи сершоҳа тимсоли.Манглай дузи- ёки кушине-тиллақош.Ушбу тақинчоқнинг ранг-баранг бўёғи дунёнинг англашнинг анъанавий тизими билан боғлиқ.Тахя дузи-аёллар бош кийимига тикиладиган безак.У бутунича бош кийимини жимжимадор нақшлар билан коплаб, кейин унинг шаклини маъдан ва тошда такрорлайди.Калит боғи-калитларни осиб юриш учун ишлатилади.Маъдандан ишланган қубба тагадан турттадаг ўнтагача калит осилади. Булар номи бору ўзи йўқ сандиқларнинг рамзий калитлари бўлган.Улар бойлик ва тўкин-сочинлик рамзи ҳисобланган.”Калит боғлари кўпинча мисдан, кумушдан, коралл, фируза, шиша билан олтин суви бериб ишланган”[13]дейилади манбаларда..Шавкала-аёллар кўкрак безаги бўлиб, улар юрганда жангир-жунгир овоз чиқарип турган. Қадимда жин ва ажиналар турли овозлар ёрдамида ҳайдаб қувилган.Овоз мусикийлиги ва жозибаси аёлнинг хиром айлаб юришига боғлиқ бўлган.Билакузук -одатда жуфт-жуфт қилиб кумуш,фирузадан ясалган ва аёлнинг ҳар иккала қўлларига осилган. Билагузуклар икки хилга бўлинган, қулфланмаган очиқ ва ошиқ-мошиқли ёпиқ билагузуклар.Хоразмда қўйма билагузуклар кенг расм бўлган,бунда бўртма нақшлар яққол кўриниб турган.Билагузукларнинг учлари илон шаклидаги йирик-йирик уч япроқ билан тугалланиб,маросимий-афсунгарлик аҳамиятини касб этган.Бодомой- аёллар бош кийими манглай- пешона безаги бўлиб,фируза қадама ва турли жавоҳирот билан безатилган,бир-бирига уланган уч тумор шаклидаги тақинчоқдир. Бу тақинчоқнинг афсунгарлик хусусияти аёлларнинг учта нияти ва орзуси рўёбидан иборат, яъни кўпфарзандлилик, тан соғлиги ва оила фаровонлиги белгисидир.



Ярим тирноқ-аёлларнинг кўз ва қулоқ ўртасига осадиган жуфт безаги бўлиб, пастки қисмидан чиқиб турадиган иккита тирноқ йўлбарсникидир. Ўша даврларда Амударё бўйларида Жайхун йўлбарслари кўплаб учар ва овчилар заргарларни уларнинг тишлари ва тирноқлари билан таъминлар эдилар.

Танга дузи- аёлларнинг пешона безаги ҳисобланаби, кумуш тангалар ва маржон билан безатиладиган заргарлик маҳсулоти ҳисобланади.” Заргарлар буюртмага кўра хон, вазир ва беклар учун қурол-аслаҳалар олтин сопли пичоқ, қилич дасталари, ғилофларга олтин ва кумушдан маҳсус қопламалар ва ўйма накшлар, от эгарлари ва жабдуқларини юксак дид билан ясаганлар” [14] деб айтилади манбаларда. Хивада ҳунармандлар томонидан қуроллар –ханжар, дубулға, қилич, найза, садоқлар ишлаб чиқариш ҳунари ҳам ривожланган. Хива хони Абулғози Баҳодирхон ўзининг “Шажараи-турк” тарихий асарида “ёвга қарши навкарлар садоқларни боғлаб отландилар” [15] деб қайд этиб ўтади.

Хива заргарлари сарой ва бадавлат амалдорлар кийимлари учун олтин ва кумушдан тутгmalар ҳам тайёрлаганлар. А.Д.Кальмиков”Хиваликларнинг фаҳрий чакмонларида йирик кумуш шариклар туғма қилиб қадалган, бунақаси бухороликларда йўқ” [16]-деб қайд этиб ўтади.

Хулоса қилиб айтганда Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Хиванинг ўрта асрлардан кейинги даврлардаги савдо иқтисодий имкониятларининг кенгайиб бориши, шаҳар нафақат ички савдо, балки хорижий мамлакатлар билан транзит ва ташқи савдо марказларидан бирига айланишига олиб келди. Бунинг натижасида эса хонлик халкининг турмуш даражасини бироз бўлсада яхшиланди, шунингдек кўп сонли қўли гул ҳунармандларнинг маҳоратлари янада ошиб, улар томонидан яратилган ҳар бир амалий санъат ва ҳунармандчилик ашёларининг сифати сезиларли даражада яхшиланиб, нафақат кундалик турмуш учун зарурий буюм ёки ашё, балки бетакрор санъат асарига айланиши, хонликдаги ҳунармандларнинг иқтисодий ҳолатларини бирмунча яхшиланишига замин бўлиб хизмат қилди.

Файлоланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Ўзбекистан халқлари тарихи.А.Асқаров таҳр.остида.Тош-Фан.1994й 2-жилд.б19.
- 2.Калмыков.А.Д.Хива. Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии.Тошкент.1908-С.51.
- 3.Иванин.М. Хива и река Аму-Дарья. // Туркестанский сборник.-СПб.1873Т.68.-С.63.
- 4.Абдуллаев. Т.Фахреддина. Д.Ҳакимов.А. Песнь в металле. Народное искусство Узбекистана. -Ташкент.Литература и искусство.1986.-С19
5. Ўша жойда.
- 6.Гуламов.Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи.Тошкент.1959й.2076.
- 7.Задыхина,К.Л.Узбеки дельти Аму-Даръи//ТрудыХорезмскойэкспедиции.М.1952.-С.372.
- 8.Поездка в Хиву переводчика Гуляева и канцеляриста Чучалова (1754) История в Узбекистана в источниках XVI-перв.полXIXв.Т.1998.-С-115.
- 9.Абулғози Баҳодирхон.Шажараи-турк.-Тошкент.Чўлпон.1992.Б-131.
- 10 Ўша жойда.
- 11.Иванин.М. Хива и река Аму-Дарья. Туркестанский сборник.-СПб.1873.Т.50.- С290.
- 12.Ҳакимов.А. Ақилова.К. Тасвирий ва амалий санъат.Хива-минг гумбаз шаҳри. Тош.1997.-Б.82.
- 13.Иchan-қалъа музей-қўриқхонаси фонди.КП 1133,1161,1160.
- 14.Хоразм тарихи.1.-жилд.-Урганч.1996.Б-335.
- 15.Абулғози Баҳодирхон.Шажараи-турк.Тошкент.Чўлпон.1992.й.Б-157.
- 16.Калмыков.А.Д.Хива. Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии.Тошкент.1908-С.49.



ILK O’RTA ASRLAR SUG’DDAGI MAHKAMA VA DEVON ISHLARI TARIXI.

Axmakov Dovudxon Xabibulloevich

+998 91 522 62 26

dovudxon.axmadov.xon@gmail.com

O’zbekiston-Finlandiya pedagogika instituti

Annotatsiya. Ilk o’rta asrlar Sug’ddagi mahkama va devon ishlari tarixi, hujjatlar tuzulishi, ularning tasnifini belgilashda asosiy manbalar Mug’ tog‘i sug’diy hujjatlari hisoblanadi. Ularda davlat boshqaruvida amal qilgan mahkamachilik tizimi, mamlakatdagi qonunchilik va ijro masalallari, davlat boshqaruvida amal qilgan nazorat vazifalari kabi masalalarni bilish mumkin. Ushbu maqola Ilk o’rta asrlar Sug’ddagi mahkama va devon ishlari tarixi haqida.

Sug’dda hali klassik davlatchilik mavjud bo‘limganligini hisobga olgan holda aytish mumkinki, davlat tashkilotlari, jumladan, devon xizmatida ham ayrim keyingi o’rta asr devonlaridan farqli jihatlari ko‘zga tashlanadi. Mug’ tog‘i sug’diy hujjatlariga asoslanadigan bo‘lsak, Panch hokimligi devoni hukmdor saroyida joylashgan bo‘lib, devonxonada maxsus xattotlar faoliyat olib borishgan. Ular hukmdorga itoat etishgan. Buni Mug’ tog‘i sug’diy hujjatlarni tadqiq etish asnosida ko‘rish mumkin.

Mug’ tog‘i hujjatlari Devashtich va uning atrofidagi a’yonlari hamda davlat mansabdorlarining o’zaro yozishmalari, xo‘jalik hisobotlari, sarflangan oziq-ovqat va pul harajatlarining reyestro‘yxatlari, soliq yig‘imlari va sarflari, dehqonchilik, chorva va hunarmandchilik mahsulotlarining kirim va chiqimlari haqidagi dalolat guvohnomalari hamda tilxatlarini o‘zida jamlagan. Hujjatlar orasida Panch hokimi Devashtich nomi bilan bog‘liq farmonlar, turli shaxslarga ko‘rsatmalar davlat boshqaruv tamoyillarini tahlil qilishda muhim manbadir.

Hujjatlar mazmuni va amalda tatbiq sohalari bo‘yicha bir necha turlarga bo‘linib, ularni quyidagicha tasniflash mumkin: huquqiy hujjatlar, farmoyishlar, molivaviy hisobotlar, vasiqalar (tilxatlar), maktublar (turli shaxslar o’rtasidagi o’zaro yozishmalar), diplomatik hujjatlar, xabarnomalar (bildiruv hujjatlari), xo‘jalik kirim-chiqim qaydlari.

Mug’ hujjatlari VII-VIII asrlar boshlaridagi Panch hokimligi saroyi xo‘jaligi va uni boshqarish bilan bog‘liq asosiy lavozimlarni egallagan shaxslar haqida qiziqarli ma’lumotlar beradi. Masalan, yuqorida qayd qilingan *framandar* lavozimida ishlagan Utt ismli shaxs faoliyat doirasi g‘oyat keng bo‘lgan. Bu shaxs ismiga ko‘ra turkiy xalq vakili bo‘lib, saroy xo‘jaligini boshqargan. A-1, A-2, A-3, A-6, A-16, A-18, B-11, B-13, B-15, B-18, B-19 raqamli hujjatlardan ma’lum bo‘lishicha, Utt zimmasiga Panch hokimligiga qarashli barcha qishloq xo‘jalik tarmoqlaridan markazga keladigan hamda markazdan viloyat bo‘ylab tarqatiladigan mahsulotlar taqsimoti ustidan nazorat qilish vazifasi yuklatilgan¹.

Framandar nomiga bitilgan A-2, A-3, A-16 raqamli hujjatlar asosan maktubot-xat janri ko‘rinishida rasmiylashtirilgan. Aslida esa bu hujjatlar vazifasi nuqtai nazaridan farmonlar edi. Shu bilan birga ular buyurilgan vazifani bajarish to‘g‘risida hisobot hujjati deb hisoblangan: «va bu nomani (xatni) sen oqlov hujjati sifatida o‘zingda saqla», ya’ni hujjatda mayning qolgan qismi muhrlanishi va buyruqnomaning shu nusxasi tilxat o‘rnida saqlanishi lozimligi uqtirilgan². Ayni shu tarzdagi holat V-3, A-10, A-7 va boshqa hujjatlarda ham uchrab, bu guruh sug’dshunoslikda «tilxatlar» deb nomlangan.

Hujjatchilik an’anasida u yoki bu hujjatlarni, ayniqsa tilxatlarning sanasi-yili, oyi va kunlarini belgilash qat’iy amal qilgan. Sana hujjatning boshi yoki oxirida ko‘rsatilib, birinchi yoki uchinchi shaxs tomonidan yozilgan. Ba’zan hujjat oxirida «Bu xat ikki nusxada tayyorlandi. Ularning birini sen hisobot uchun saqla», deb ta’kidlanadi. Matnda bu so‘z sug’dcha «*patsaxv*», ya’ni «keyin beriladigan javob» ma’nosidagi atama bilan belgilangan. Jumladan, A-16 hujjatining sanasi nisbiy era sanasi bo‘lib, bu o‘rinda matnning oxirida «Devashtich podsholigining ikkinchi yilidir. Oyi-xvarez nich, kuni-naxran ruch. Ushbu buyruqnoma muhrlandi podsho Devashtich tomonidan va yozildi ikkinchi nusxa podsho farmoniga ko‘ra», deb qayd etilgan. Mug’ hujjatlarida har bir podsho o‘zi taxtga kelishidan boshlab yil hisobi yuritgani qayd etilgan. Oy va kun kalendar hisobi esa asosan zardushtiylik kalendar sistemasini davom ettirgan³.

1 СДГМ III... – С. 132.

2 Исхоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар... – Б. 26.

3 Исхоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар... – Б. 26.



Arab istilosiga qadar Sug‘dda o‘ziga xos ko‘rinishdagi yil hisobi amal qilgan. Jumladan, Sug‘dda, umuman eroniylar va turkiy solnomalarda yil hisoblari ma’lum hokim yoki podshoning taxtga chiqishidan boshlangan. Bunday holatni sug‘d-buddaviy matnlarida ham uchratamiz. Podsholar yoki hukmdorlar biror bir favqulodda hodisa yuz bermasa, yangi yil boshida Navro‘z kunlarida, ya’ni mart oxiridan aprel oyi o‘rtalarigacha taxtga o‘tirganlar. Bu o‘z navbatida yil hisoblaridagi muayyan aniqlik uchun ham xizmat qilgan¹.

Mug‘ arxivi orasida Sug‘d podshosi Tarxun erasining 10-yiliga oid hujjat saqlangan (Nov.3, Nov.4), shuningdek, Devashtich hokimligi bilan bog‘liq 14 yilni (708-722 yy.) qamrab olgan xatlar guruhi ma’lum². Hujjatlarning boshlov va yakunlov qismlari an’anaviy ko‘rinishda, ayniqsa Devashtichga murojaat qiluvchi xatlarda dabdabali jumlalar ishlataladi: «Janobi hukmdor, buyuk tayanchimiz»ga. Ba’zi hollarda yuqori lavozimli shaxslar nomidan tuzilgan hujjatlarda qisqa murojaat shakllari uchraydi³.

Hujjatchilikda bu qadar aniq hisobchilik an’anasi boshqaruvin mahkamachiligining tashkiliy pishiqligini ko‘rsatadi. Hujjatlarning hisobotli deb qaralishi ilk o‘rta asr huquqiy munosabatlarining takomilligiga ham ishorat qiladi. Shundan xulosa qilib aytganda, ko‘pgina farmon mazmunidagi hujjatlar hokim Devashtich xatlarining nusxasidir. Ularning asl nusxalari Devashtich tomonidan tasdiqlangan va ba’zan loy muxr bilan mustahkamlangan. Podshoga tegishli muhr izi tushirilgan bulla (loyga bositgan muhr izi, ya’ni naycha qilib o‘ralgan hujjatni chizimcha bilan o‘rab, ustiga loy yopishtirilgan va shu loyga muhr bositgan) yetib kelgan. Unda tog‘ ho‘kizi tasviri va «ushbu hujjat ishonchli» («ishonch ramzi», «asl») degan mazmunda sug‘dcha yozuv saqlangan⁴. Ikki, uch nusxada tuzilgan hujjat mahsulotni qabul qiluvchi shaxs, uni topshiruvchi va framandar uchun bittadan nusxada bitilgan va mazmuniga ko‘ra «teng ma’noli», «bir xil» deb atalgan. Tilxat, ko‘rsatma, buyruq hujjatlari ilk o‘rta asr Sug‘dida xo‘jalikni boshqarishda va boshqa hukmdorlar bilan olib borilgan siyosiy muloqotlarda, ayniqsa arab istilosi davrida, o‘ziga xos diplomatik munosabatlar mavjud bo‘lganligini ko‘rsatadi.

Panch saroyida Devashtichga va bevosita framandarga bo‘ysunuvchi lavozim egalari haqida ham yetarli ma’lumotlar mavjud. Masalan, davlat mahkamasining boshlig‘i dapirpat lavozimi. Bu lavozim atamasi ikki qismdan iborat: *dapir* - «yozmoq, yozish», *pat* - «boshliq», ya’ni kotiblarning boshlig‘i degan ma’noni anglatadi. A-5 raqamli hujjatda bu lavozim egasiga to‘langan ish haqi to‘g‘risida ma’lumot berilgan⁵.

A-6 raqamli hujjatda parvonak kirok lavozimi qayd etilgan. Uni nashrlarda «hujjat tuzuvchi» deb izohlashgan. Lekin bu shunchaki hujjat tuzuvchi lavozimi emas, bu vazifani kotibiyat - *dapirpat* boshchiligidagi mahkama bajargan. Parvonak kirok esa maxsus hollarda podsholarning yoki hokimlarning mukofotlarini va hayru ehsonlarini amalga oshirish bilan bog‘liq hujjatlar guruhi bilan shug‘ullangan⁶.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Исҳоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992.
2. Отахўжаев А. Суғд шаҳрининг турк ҳокими. (В-8 Муғ тоғи ҳужжати асосида) // Шарқшунослик. - Т., 2001.
3. «Согдийские документы с горы Муг» / А.А.Фрейман. Описание публикаций. Вып. I. - М.: Вост.лит., 1962. -90 с.; Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А.Лившица. Вып. II. - М.: Наука, 1962. - 222 с; Хозяйственные документы / Чтение, перевод и комментарии М.Н.Боголюбова и О.И.Смирновой. Вып. III. - М.: Наука, 1963. -132 с.
4. Ставиский С.Я. Дворцовое хозяйство пенджикентского владетеля // Советское востоковедение. 1957.

1 Отахўжаев А. Суғд шаҳрининг турк ҳокими ... – Б. 41.

2 Согдийские документы с горы Муг. Вып. III. – С. 57-67; Ставиский С.Я. Дворцовое хозяйство пенджикентского владетеля // Советское востоковедение. 1957. – С. 93-94.

3 Стависский С.Я. Дворцовое хозяйство пенджикентского владетеля.... – С. 93-94.

4 Согдийские документы с горы Муг. Выпуск II... – С. 72-185.

5 Исҳоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар... – Б. 25-55.

6 Исҳоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар... – Б. 53.



TARIX VA TARBIYA DARSLARIDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Isomiddinova Shahlo Abdusalimovna

Toshkent viloyati Qibray tumani
25-maktabning tarix fani o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada ta'lif va tarbiya haqida, tarix va tarbiya darslarida zamonaviy pedagogik texnologiyalaridan foydalanish haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: tarix, tarbiya, pedagogik texnologiya, shaxs, innovatsion, ta'lif.

O'zbekiston Respublikasining ustuvor siyosati, ta'lif tizimi ish mazmunini demokratlashtirish, XXI asr yoshlarini har tomonlama rivojlangan, yetuk, dunyoviy fikr yuritadigan, bilimli, barkamol shaxslarni jahon ta'lif standartlariga mos ravishda tarbiyalash dolzarb vazifalardan biridir". Barkamol shaxs hamisha o'z Vatani kamolotini rivojlantiradi, uning ravnaqi yo'lida umrini baxshida etishni o'z burchi deb biladi. Barkamol avlod tushunchasi tarixiy ahamiyatga ega bo'lib, o'z davrining komil insoni hisoblanadi. Demak, sog'lom yoshlar har qachon, har yerda o'z fikriga, sog'lom mulohazasiga ega bo'ladi, xalq va davlat manfaatini himoya qiladi. Uning aql-zakovati, intellekti, teran dunyoqarashi orgali o'z maqsadiga erishish yo'llarini qidirib topadi.

Hozirgi zamon har bir fan o'qituvchisi zimmasiga inson, uning jamiyatdagi o'rni va roliga har tamonlama qarash vazifasini yuklaydi. Buning uchun o'qituvchi ta'lif tarbiyaning yangi shakkari, vositalari va usullarini egallashi va shu bilan birga o'zi zamonaviy pedagogik texnologiyalarni yaratishga, shaxsni tarbiyalashning yangi a'nnaviy, samarali usullarini tanlashga harakat qilishi hamda ijodkor bo'lmosh lozim. Maktablarda o'qitilayotgan ijtimoiy, shu jumladan tarix va tarbiya fanlari o'zida olivjanob fazilatlarni mujassamlashtirilgan insonni tarbiyalashda benihoya ahamiyat kasb etadi.

Maktabda o'quvchi kishilik jamiyatni bosib o'tgan yo'lni, ularning chet el bosqinchilariga qarshi, o'z ozodligi va baxt-saodati, porloq kelajagi uchun olib borgan kurashlari haqidagi asosiy ma'lumotlarni tarix darslaridan bilib oladi. Shu bilan birga tarix darslari o'quvchining hozirgi ijtimoiy-siyosiy jarayonlarni to'g'ri anglashga yordamlashadi.

Bizga ma'lumki tarix-juda qadimiy fanlardan biri hisoblanadi. Tarix fanini kelajakni ko'rsatuvchi „Ko'zgu” desak bo'ladi va bu ko'zguga qarab har qanday inson, jamiyat, xalq o'z kelajagini belgilab olishi mumkin. Hozirgi kunda O'zbekiston rivojlangan davlatlar qatoridan o'rinnegallashi onson kechgani yo'q. Shuning uchun tarixni o'qitish jarayonida o'quvchilar bugungi kunning qadriga yetishini, o'tmishda yo'l qo'yilgan xatolarni takrorlamaslikni, o'tmishdagi xatolardan xulosa chiqarib olishini o'rgatish lozimdir. Qolaversa maktabda tarix fanini o'qitish orqali o'quvchilarda o'zları mustaqil va ijodiy fiklplashini rivojlantirishga, miliy ong va tafakkurni o'stirishga, eng asosiysi ma'naviy barkamol shaxsni, haqiqiy vatanparvar insonni tarbiyalab voyaga yetkazishga ahamiyat berish lozim.

Ta'lif-tarbiya jarayonida mazkur vazifalarni amalga oshirish uchun bugungi kunning pedagog hodimlari har bir darsda qiziqarli, samarali bo'lgan yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish kerak. Bizga ma'lumki, tarix va tarbiya fanining asosini ma'lumotlar tashkil etadi. Ularni to'liq eslab qolishi o'quvchilar uchun bir oz qiyinchilik tug'dirishi mumkin (ayrim past o'zlashtiruvchi o'quvchilar). Bu kabi ma'lumotlarni o'quvchilar xotirasida bir umrga esda qolishi, turli xil sahnali ko'rinishlar, qiziqarli o'yinli usullar, krossvordlar, guruhlar bilan ishslash, baxs-munozaralar olib borishiga bog'liq.

Bugungi kunda mustaqil O'zbekistonimiz tarixini o'rganishga katta e'tibor qaratilmoqda. Bu esa o'sib kelayotgan yosh avlodni tariximizni chuqurroq o'rganish imkonini bermoqda. Tariximizdan faxrlanish va xulosa chiqarish imkoniyatlarini ham taqdim etmoqda. Tarixni o'qitishda innovatsion-pedagogik texnologiyalarning ahamiyati bo'lajak tarix o'qituvchilarining kasbiy tayyorgarligini rivojlantirish, pedagogik tafakkurini kengaytirish, ularda fanni o'qitishda zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo'llash uchun zarur bo'lgan metodik bilim, ko'nikmalarni shakllantirishdan iboratdir.

Ta'lif-tarbiya faoliyatining mazmuni, maqsad va vazifalari davrlar o'tishi bilan kengayib borishi natijasida uning shakl va usullari ham takomillashmoqda. Hozirda inson faoliyatdan ko'zda tutilgan maqsadlarni to'liq amalga oshirish imkoniyatini beruvchi yaxlit tizimga, ya'ni



“texnologiya” ga aylanib bormoqda. Shu asosda ta’lim-tarbiya sohasida so’nggi davrda pedagogik texnologiya amal qila boshladi. Darslarni o’tishda bugungi kundagi o’quvchilarining qiziqishi, orzulari, imkoniyatlariga katta e’tibor berish lozim. Buning uchun birinchi navbatda o’qituvchining o’zi ham mohir ustoz bo’la olishi kerak. Shundagina o’quvchilarining qalbiga yo’l topa olsa bo’ladi. Hozirgi kunda ta’lim jarayonida interfaol uslublar (innovatsion pedagogik va axborot texnologiyalari) dan foydalanib, ta’limning samaradorligini ko’tarishga bo’lgan qiziqish, e’tibor kundan-kunga kuchayishi tabiiy. Zamонавиу texnologiyalar qо’llanilgan mashg’ulotlar o’quvchilar egallayotgan bilimlarlarni o’zлari qidirib topishlariga, mustaqil o’рганib, tahlil qilishlariga, hatto xulosalarni ham o’zлari keltirib chiqishlariga qaratilgan.

Bugungi kunda ta’lim muassasalarining o’quv-tarbiyaviy jarayonida pedagogik texnologiyalardan foydalanishga alohida e’tibor berilayotganligining asosiy sababi quyidagicha izohlashimiz mumkin: Birinchidan, pedagogik texnologiyalarda shaxsni rivojlantiruvchi ta’limni amalga oshirish imkoniyatining kengligida. Ikkinchidan, pedagogik texnologiyalar o’quv-tarbiya jarayoniga tizimli faoliyat yondashuvini keng joriy etish imkoniyatini beradi. Uchinchidan, pedagogik texnologiya o’qituvchini ta’lim tarbiya jarayonining maqsadlaridan boshlab, tashxis tizimini tuzish va bu jarayon kechishini nazorat qilishgacha bo’lgan texnologik zanjirni oldindan loyihalashtirib olishga undaydi. To’rtinchidan, pedagogik texnologiya yangi vositalar va axborot usullarini qо’llashga asoslanganligi sababli, ularning qо’llanilishi “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” talablarini amalga oshirishni ta’minlaydi.

Xulosa qilib aytganda, o’qituvchi innovatsion faoliyatga tayyor bo’lib, darsga eng so’ngi yangiliklarni olib kirib, o’quvchiga qiziqarli va uni ehtiyojiga mos ravishda tashkil etsagina, sifat va samaradorlikni kafolatlashi mumkin. Bunday sharoitda o’qituvchi yuksak rivojlangan fikrlash qobiliyatiga, muammolar bo’yicha mushohada yuritishga, muammolarni o’z vaqtida yecha oladigan qobiliyatga ega bo’lishi kerak. Interfaol usullarda darsni tashkil etishda o’quvchi shaxsini rivojlantirishni o’ziga o’zi zamin yaratishdan boshlash kerak.

Foydalilanigan adabiyotlar

1. A.Abduqodirov, R.Ishmuhammedov. “Ta’limda innovatsion texnologiyalar” T.:2008
2. R.Ishmuhammedov. Innovatsion texnologiyalar yordamida ta’lim samaradorligini oshirish yo’llari.



TURKISTON MA’RIFATPARVARLARINING TARIXIMIZDAGI O’RNI

Muminova Vazira Mirxalikovna

Toshkent shahar Chilonzor tumani

2-son KHM Tarix fani yetakchi o‘qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada bugungi kunda yosh avlod ta’lim-tarbiyasida jadid ma’rifatparvarlarining hissasi beqiyos ekanligi takidlangan.

Kalit so’zlar: tarix, turkiston, jadid, ta’lim - tarbiya, yosh avlod, xalq, jadidchilik.

Bugungi kunning ta’lim-tarbiyasida Turkiston ma’rifatparvarlarining o’rni beqiyosdir. Ular bu kunning ravnaqi va istiqboli uchun jon berib, ilmu-ma’rifatni rivojlantirish yo’lida o’z jonlarini fido qilishgan desak mubolag’a bo’lmasa kerak. Shu o’rinda ma’rifatparvar adib va jamoat arbobi Abdulla Avloniy ta’lim va tarbiya haqida gapirib, shunday yozgan edi: “Tarbiya bizlar uchun yo hayot – yo mamot, yo najot – yo halokat, yo saodat – yo falokat masalasidir “ degan so’zlar ham bu kunning ta’lim-tarbiyasi Vatan kelajagi ekanligini takidlamoqda.

Ma’rifat – ta’lim va tarbiya orqali kishilarning bilim va ongini oshirish yo’lida qilinadigan harakatdir. Ma’rifat bu bilish, doimo harakatda ilm izlash demakdir. O’z faoliyatlarini bu ishga bag’ishlagan kishilar esa ma’rifatparvarlar deb atalgan. Yurtimizda ma’rifatparvarlik harakati XIX asr oxiri – XX asr boshlarida vujudga kelgan va jadidchilik harakati nomi bilan shuhrat qozongan. Jadidchilik harakatining namoyondalari esa jadidlar deb atalishgan. Ular yurtimiz ozod va obod ko’rinishni xohlaganlar. Jadid (arabcha) – yangi, yangilik tarafdori, yangilik uchun kurashuvchi degan manoni bildiradi.

Jadidchilik harakatida yurtimizning taraqqiyatparvar ziyorilari rahbarlik qilishgan. Ular ishni dastlab yangi usul (usuli jadad) maktabalarini ochishdan boshlashganlar. Yangi usul maktabalarida diniy ta’lim bilan bir qatorda tabiat fanlaridan ham saboq berilgan. Jadidlar iqtidorli bolalarni chet ellarga o’qishga yuborishni ham tashkil etganlar.

Shu o’rinda bir narsani alohida qayd etib o’tish joizki bugungi kunda ham Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev tashabbuslari bilan ta’lim sohasida ham jiddiy islohotlar olib borilmoqda. Istedodli yoshlar esa har tomonlama rag’batlantirilmoxda. Prezidentimizning tashabbuslari bilan “Prezident maktabi”ning tashkil etilishi ham bunga yaqol misol bo’la oladi. Yurtimizda bugungi istedodli yoshlarga har tamonlama imkoniyatlar eshiklari ochib qo’yilgan.

O’zbek xalqi uzoq o’tmishtga borib taqaluvchi boy milliy va ma’naviy qadriyatlarga ega buyuk xalqdir. Milliy va ma’naviy qadriyatlar asrlar davomida yaratilgan. Ular davr, hayot o’zgarishi bilan yo’q bo’lib ketmaydi. Aksincha, keyingi avlodlar uchun meros bo’lib qoladi. Keyingi avlodlar esa ularni yanada boyitadi. Ular ham o’zidan keyingi avlodga meros qilib qoldiradi.

Mahmudxo’ja Behbudiy, Abdulla Avloniy, Munavvar qori Abdurashidxonov va boshqalar Turkiston jadidchilik harakatining yirik namoyandalari edilar. Jadidlar qoloqlikka ko’nikib qolgan xalqning ongini o’zgartirish uchun turli gazeta va jurnallar nashr ettirganlar. Teatr tashkil etib, ularda kishilarni o’yga tortadigan asarlarni sahnalashtirganlar. Ularning sahifalarida yosh avlodni vatanparvar bo’lishiga, jahon ilm-fan yutuqlarini puxta egallahsha da’vat etishgan. Turkiston ma’rifatparvarlari yosh avlodni kitobxon qilishga, milliy davlatchilikni tiklashga asdoyidil harakat qilishgan va shu yo’lda jon fido qilishgan.

Bizo’zbek xalqi boy o’tmishtga, tarixga egamiz. Bizning yurtimizdan nafaqat biz balki butun dunyo fahrlansa arziyidigan allomalar yetishib chiqqan. Bugungi kunda yosh avlodni tarbiyalashda ulug’ mutafakkirlarimizning jahon sivilizatsiyasiga qo’shgan hissasi beqiyos ekanligini tushuntirishimiz zarurdir. Binobarin, ta’lim – tarbiya tizimini o’zgartirmasdan turib ongni o’zgartirib bo’lmaydi. Ongni, tafakkurni o’zgartirmasdan turib esa biz ko’zlagan oliy maqsad – ozod va obod jamiyatni qurib bo’lmaydi.

Foydalilanigan adabiyotlar

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev asarlari.
2. I.A.Karimovning “Yuksak ma’naviyat yengilmas kuch” asari.
3. www.uzedu.uz



TARIX FANI VA UNING TARMOQLARI

Yoqubova Intizor Raxmatillayevna

Toshkent shahar Chilonzor tumani

2-son KHM Tarix yetakchi o‘qutuvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada tarix fanini o‘qitishning tarmoqlari keltirilgan va ular haqida malumotlar berilgan.

Kalit so‘zlar: harbiy, siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy, diniy, fan, san’at, intellektual, madaniyat va diplomatiya tarixlari.

Tarix fani ko‘p tarmoqli fan bo‘lib, inson va jamiyat taraqqiyoti bilan bog’liq bir qator sohalar rivojlanishi jarayonlarining umumiyligi mahsulidir. «Tarix» arabcha so‘z bo‘lib, «o‘tmish», «o‘tgan voqealar haqida hikoya» degan ma’nolarni anglatadi. Tarix odamlarning eng qadimgi zamonlardan to hozirgacha bosib o‘tgan hayot yo‘li, bugungi hayotni qanday qurbanligi haqida ma’lumot beradi. Tarix fani quyidagi tarmoqlarga bo‘linadi.

Harbiy tarix—tarix fanining eng qadimiy tarmoqlaridan biridir. Hatto „tarixning otasi” Gerodot va boshqa antik davr tarixchilari ham qadimda sodir bo‘lgan urushlar haqida alohida va ko‘plab ma’lumotlar yozib qoldirganlar. XVIII asrdan boshlab esa harbiy tarix harbiy to’qnashuvlar tarixi sifatida rivojiana boshladi. XIX asr oxiri - XX asr boshlaridan boshlab, urushlar xususiyatidagi yuzaga kelgan o‘zgarishlar ta’sirida harbiy tarix sohasida nafaqat harbiy sohaga aloqador masalalarning o‘zinigina, balki jamiyat taraqqiyotiga aloqador masalalar o‘rganila boshlandi.

Siyosiy tarix - tarix fanining eng dastlabki yuzaga kelgan tarmoqlaridan biri bo‘lib, bu tarix o‘z tarkibiga fuqarolik jamiyat tarixini, siyosiy voqealar tarixini, siyosiy tizimlarni boshqarish va ijro etuvchi hokimiyat tarixini kiritgan holda tarix fanining o‘rganilishini ma’lum darajada o‘zgarib borishiga ta’sir ko’rsatdi.

Iqtisodiy tarix - statistikaning paydo bo‘lishi bilan faol rivojiana boshladi. Bugungi kunda iqtisodiy tarixni o‘rganishda matematik modellashtirishdan keng foydalaniladi.

Ijtimoiy tarix. XIX asrdan boshlab tarixchilar tomonidan tarixiy tadqiqotlarda oddiy odamlar va xalqning ahvolini o‘rganishga e’tibor qaratish boshlandi. Marksizm ta’limotida ishchilar tabaqalarini o‘rganishga asosiy e’tibor qaratildi va ijtimoiy tarix rivojlandi.

Diniy tarix. Tarix fani sohalari va tarmoqlari orasida eng dastlabki yuzaga kelgan tarmoqlardan biri diniy tarix sanaladi. Diniy tarix orqali barcha xalqlarning diniy munosabatlari o‘rganiladi.

Fan tarixi. Tarix fani ilm-fanga kashfiyotlar ro‘yxati sifatida emas, balki inson faoliyatining mahsuli va ayni vaqtida jamiyat va madaniy hayotning ajralmas bir bo‘lagi sifatida qaraydi. Ilm fan - ijtimoiy va mafkuraviy xususiyatga ega. Bu sohaning tarixiy tadqiqotlari jarayonida ilm-fan va jamiyat o‘rtasidagi aloqalar va bog’liqlikka alohida e’tibor qaratilishi kerak.

San’at tarixi. San’at tarixi haqida tarixchilarning o‘z nuqtayi nazarlari mayjud. Agar san’atshunoslar san’at asarining yaratilishi sanasi, muallifligi va uslubi kabi jihatlarini birinchi o‘ringa qo‘ysalar, tarixchilar esa mazkur san’at asarining yaratilishidagi shart-sharoitlar, kompozitsiyalar, kontekstlar, intellektual va ijtimoiy tarixiy jihatlarini asosiy o‘ringa qo‘yadilar.

Intellektual tarix. Intellektual tarix dastlabki vaqtarda yirik olimlarning g’oyalari tarixi sifatida rivojlanib keldi, intellektual tarix o‘z tadqiqot ko‘lamlarini kengaytirib borib, tadqiqotlar jarayonida tarixiy voqelikka diniy va ayni vaqtida ilmiy qarashlarni, turli vaqtarda sodir bo‘lgan kasalliklar va ularning kelib chiqishi va oqibatlari va boshqa shu kabilarni o‘rganishga alohida e’tibor qaratmoqda.

Madaniyat tarixi. Madaniyat tarixi tarixiy tadqiqotlarning an’anaviy va asosiy tarmoqlaridan biri sanaladi. Bugungi kunda yangi madaniyat tarixi shakllangan bo‘lib, uning asosini til, matnlar va narrativ tizimlar (semiotik yondashuv) tashkil etadi. Yangi madaniyat tarixi xalq madaniyatini va elitar madaniyatning bir-biriga qarama-qarshiligidini inkor qiladi.

Diplomatiya tarixi. Diplomatiya tarixining shakllanishi va mukammallashib borishi ham tarixiy tadqiqotlarning ilk ko‘rinishlarida uchraydi. Bunda asosan tarixchilar tomonidan qirollar, shohlar, xonlar, diplomatlar va elchilarning o‘zaro alohida muzokaralari tarixini yoritishga asosiy e’tibor qaratilgan.

Foydalilanigan adabiyotlar

1. D.A.Alimova, Z.A. Ilxamov. Tarix fani metodologiyasi. O’quv qo’llanma.
2. Zamonaqiy tarix fani metodologiyasining dolzarb muammolari mavzusidagi Respublika ilmiy-amalii konferensiyasi materiallari. 2021y



БОШ ВАҚФ БОШҚАРМАСИННИГ МАДАНИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ

Эргашев Сухроб Мухиддинович

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази музей-илмий ходими
Тел: +998 93 358 87 99. suxrob-muxiddinovich@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада Бош Вақф бошқармасининг эски мактаб ва мадрасаларни советлаштириб, совет меҳнат мактабига айлантирилиши баён қилинган. Мақолада анъанавий халқ таълим мининг қайта ташкил этилиши натижасида жамият маданий ҳаётида туб бурилиш ясалгани қайд этилади.

Калит сўзлар: Бош Вақф бошқармаси, маориф, комиссарлик, вақф, мутавалли, советлаштириш, коммунизм, мадраса, анъана, совет меҳнат мактаби, қайта тайёрлаш курси.

Туркистон маданий ҳаётида XX аср ўзгаришлар даври сифатида кирди. Мозийда цивилизация ўчоғи бўлмиш Ўрта Осиёning иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаёти бу даврда зулм остида, тушкун аҳволда эди. Шунингдек, сиёсий ҳокимиятни қўлга олган большевиклар хукумати совет бошқарувига маҳаллий миллат вакилларини яқинлаштирmas эди. 1919 йил 12 февралда РСФСР Миллий Ишлар Халқ Комиссари И.В.Сталин Туркистон советлари ва партия ташкилотларига мурожаат қилиб, маҳаллий миллат вакилларини давлат қурилишига тортиш зарурлигини кўрсатиб ўтган [1]. Бу каби мурожаатлар замираida кадрлар тайёрлаш зарурияти ётарди.

XX аср 20-йилларида бошланган маданий инқилоб Туркистон эски мактаб ва мадрасаларни қайта қуриб, советлаштириш ҳаракати мазмунини олди. Шу мақсад йўлида 1922 йил 22-октябрдаги 164-сонли ва 1922-йил 28-декабрдаги 173-сонли фармонларга биноан жойларда ижроия қўмиталари таркибида маҳсус вақф бўлнимлари тузилади. 1923 йил 1 январдан бошлаб Туркистон Республикаси Маориф Халқ комиссарлиги қошида Бош Вақф бошқармаси ташкил этилган. Бошқарманинг дастлабки вазифаларидан бири барча мадраса ва конфессионал мактабларнинг хайрия қилинган вақф мулкларини рўйхатга олиш ҳисобланган [2. С. 449].

1921 йил 2-чорагидан амалга қўлланган бошқарув тизимидағи Янги иқтисодий сиёсат вақф маблағининг кўпайишига олиб келди. Бу ҳолат талим муассасаларининг моддий имкониятига ҳам ижобий таъсир этган. Натижада 1924 йил январь Туркистон Республикаси Кенгаши 12-съезди бу маблағларни қайта тайёрлаш учун рўйхатга олган эски мактаб ўқитувчиларининг ойлик маошини ошириш, мактаб жиҳозларини яхшилаш, совет мактабларига яқинлаштириш учун ишлатишга фармон берган. Бош Вақф бошқармаси эски мактабнинг энг яхши ўқитувчиларини танлаб, уларни совет мактаблари учун қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиши лозим бўлган. Курсларда тайёрланган кадрлар қайта ташкил этилган совет мактаблари учун янги мутахассислар таркибини тўлдириши кўзланган.

1924 йил шаҳарлардаги эски мактабларни рўйхатга олиш бошланган. Бош вақф бошқармаси томонидан 212 та мадраса ва 191 та мактаб рўйхатга олинган. Булардан 10 та мадраса (738 та ўқувчиси) ва 41 та мактаб (3080 та ўқувчиси) совет мактаби сифатида қайта ташкил этилган [2. С.450]. Ўқитувчи ва жиҳозларнинг етишмовчилиги натижасида советлаштирилмаган таълим муассасалари кейинги йилларда Бош Вақф бошқармаси томонидан босқичма-босқич тугатилган.

1924 йил 1 апрелдан бошлаб советлаштирилган таълим муассасалари Маориф халқ комиссарлигининг ягона меҳнат мактаби программаси асосида машғулотларга ўта бошлаган. Олдин педагогик иш Вақф бошқармаси программаси асосида шакллантирилиб, 50% дарс режаси диний ахлоқ ва Куръон ўргатиш учун ажратилган. Советлаштирилган мактабларда 90% да совет ўқитувчи ходимлари билан шакллантирилган. Мутахассисларни қайта тайёрлаш учун: Тошкентда-100 кишига, Қўқон ва Самарқандда-60 киши, Каттакўрғонда-40 киши ва Андижонда-50 киши учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилган.

Вақф мулкига асосан изараага берилган экин майдонлари кирган. 1924 йилга келиб бу ерлар меҳнаткаш дехқонларга фойдаланиш учун берилади. Вақф мулкига савдо расталари ва кичик ишлаб чиқариш пунктлари (ҳаммом, сув тегирмони ва б...) қолади. Вақф мулкининг ярмидан кўпини ташкил этувчи конфессионал мактаблар вақфи Маориф Халқ комиссарлиги, қолган вақф мулклари эса комунал хўжалик ҳисобига қолдирилган.



1924 йилги худудий чегараланиш натижасида Бухоро ва Хоразм ўлкаларининг Ўзбекистон ССР ҳудудига қўшилиши ҳисобидан вақф мулклари янада кўпайган. Дастребки пайтларда Ўзбекистон Маориф Халқ комиссарлиги бюджетида вақф даромади 7-8% ни ташкил этган (50% дан кўпроғини маҳаллий бюджет, қолганини давлат бюджети қоплаган) [2. С.450]. Ушбу вақф бюджет маблағини Маориф Халқ комиссарлиги дастреб умумтаълим мактабларига сарф қилган. Туркистон Маориф Халқ комиссарлиги 1924 йил вақф ҳисобидан 3818 та ўқувчиси билан 51 та советлаштирилган мактабдан ташқари сабиқ эски мактаблардан 3451 та ўқувчиси билан 28 та 1-босқич мактабларни ўз таркибига олган. 1925-1926 ўқув йилида Ўзбекистон Маориф Халқ комиссарлиги 79701 ўқувчиси билан 1-босқич 2754 синфдан 10678 ўқувчиси билан 382 та синфи вақф ҳисобидан молиялаштирган [2. С.451]. 1925-1926 ўқув йилида янги барпо этилган таълим муассасаларининг 50%дан кўпи вақф маблағидан қопланиб келинган.

Совет ҳукуматининг асосий белгилаган режаси барча эски мактаб ва мадрасаларни советлаштириш бўлган, аммо бу иш бир пайтнинг ўзида амалга оширилмаган. Ўзбекистон ССР Статистика бошқармаси маълумотларига кўра 1924 йил Туркистон АССР таркибида қолган ҳудудда 256 та эски мактаблар фаолият юритган [2. С.451]. Ўзбекистон ССРнинг ғарбий ҳудуди, олдинги сабиқ Бухоро ва Хоразмда 1329 та эски мактаблар узоқ вақт сақланиб турган. Ўзбекистон ССРда барча конфессионал мактаблар фаолиятига 1928 йилга келиб якун ясалган.

Социалистик жамиятда бошланган колективлаштириш режасида иттифоқ давлатлари ҳисобидан XX аср 20 йилларнинг охиригача пахта мустақиллигини таъминлаш вазифасини қўйган. Аҳолини рўйхатга олиш натижасида 1926 йил Ўзбекистон ССРда 117 минг ишчи кучи мавжудлиги қайд этилади [3. Б.13]. Ҳатто ўзбек ҳалқининг меҳнаткаш синфи – коммунизм қурувчиси деб қаралган [4. Б.15]. Таълим тизими эса шу кадрларни тайёрлаш йўлида фаолият юритгани ҳам шубҳасиз, ҳақиқат.

Хуллас, Совет ҳукумати Маориф Халқ Комиссириати қошидаги ташкилотлар ёрдамида маориф-маданият соҳасини ўз назоратига олган. Хусусан, Бош Вақф бошқармасининг фаолияти мисолида анъанавий таълим тизими – эски мактаб ва мадрасаларни тутатгани гувоҳи бўламиз. Марказ ҳукумати қайта ташкил этилган “совет меҳнат мактаби” ҳисобидан жамиятга содиқ хизмат қилувчи жонли машина тарбиялаган.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон ССР тарихи. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва Ўзбекистонда социализм қуриш (1917-1937 йй). З-том. – Т.: “Фан” 1971 й.
2. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 г.). Издательство Академии педагогических наук РСФСР. Москва-1960.
3. Зиядуллаев С.К., “Развитие производительных сил Узбекской ССР за 60 лет”, Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журнали. 10 сон. –Т.: Издательство “Фан” УзССР, 1984.
4. Ахунова М.А., “Рабочий класс Узбекистана-строитель коммунизма”, Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журнали. 10 сон. –Т.: Издательство “Фан” УзССР, 1984.



**CHEΤ EL TA’LIM TIZIMIDAGI TAJRIBALARDAN FOYDALANIB TARIX
DARSLARINI TASHKIL ETISH**

Rajabov Botirjon Qahramonovich

Navoiy viloyati, Xatirchi tumani

2-umumi o’rta ta’lim maktabining tarix fani o’qituvchisi

+99893 662 07 14

O’sarova Xurshida Bo’riyevna

Navoiy viloyati, Xatirchi tumani

2- umumi o’rta ta’lim maktabining tarix fani o’qituvchisi

+99893 319 40 58

Annotatsiya: Ushbu maqolada tarix fanlarini o’qitish jarayonida chet el tajribalarida qo’llanuvchi metodlardan foydalanish haqidafikry yuritiladi. Chet el tajribalari o’zbek maktablarida qo’llanilishi misollar bilan aytib o’tilgan.

Kalit so’zlar: “Sayohat” metodi, “Kaizen falsafasi”, “Vark modeli”, metod, model, vizual, knestetik.

O’z tarixini bilmagan, uni chuqur anglamagan avlod kelajakda vatanparvar shaxs bo’lib ulg’ayishiga hech kim kafolat bera olmaydi. Har qanday millat yuksalishi uchun u, avvalo, o’z tarixini bilmog’i lozim. Umumiy o’rta ta’lim maktabalarida tarix fanini o’rgatish samaradorligiga erishish uchun bir qator metodlarni qo’llashimiz mumkin. Hozirgi zamonaviy pedagog zamonaviy o’quvchini o’z faniga jalg qilishi, uni fanga qiziqtira olishi uchun, avvalo, o’quvchi psixologiyasini chuqur anglashi lozim. Hozirgi kunda yoshlarning kelajakdagи rejaliри orasidan, boshqa davlatlarga sayohat qilish, albatta, o’rin egallagan. Ularning qiziqishini inobatga oлган holda, tarix fanida “Sayohat” metodini qo’llash maqsadga muvofiq bo’ladi. Bu metod asosi quyidagicha: dunyoning eng mashhur shaharlari suratini doskaga osib qo’ying. Dars so’ngida o’quvchilarga yopishadigan kartochkalar tarqating va dars davomida o’rgangan ma’lumotidan bittasini yozib qaysi shaharga sayohat qilishni xohlasa, shu shahar surati ustiga yopishtirib kelishini so’rang. O’quvchilarga bir-birlarining aytgan ma’lumotini, qaysi shaharga sayohat qilganligini eslab qolishini ta’kidlang. O’quvchilar sinfdoshlari aytgan ma’lumotni takror aytib u yopishtirgan kartochkani surat ustidan topsin. Bu juda qiziqarli mashg’ulot bo’ladi va o’quvchilar jon-dili bilan bajarishadi.

Ikkinchи Jahon urushidan keyin Yaponianing taraqqiyot yo’li sisfatida ishlab chiqilgan “Kaizen” (continuous improvement) falsafasi bugunga kelib barcha sohalarga, qolaversa, shaxsiy rivojlanish uchun ham foydalanib kelinmoqda. Kaizen jarayonini faqat to’rt bosqichga qisqartirish mumkin. Har bir qadam nimani anglatishini qisqacha ko’rib chiqamiz.

Maqsadingizni va unga qanday erishish mumkinligini aniqlang, ya’ni oldindan rejalashtiring. Masalan, men qisqa muddatda tarix fanini o’rganmoqchiman. Rejani bajaring va uning bajarilishini ta’minalash uchun zarur bo’lgan barcha o’zgarishlarni amalga oshiring, ya’ni doimiy talabchanlikni yo’qotmang. Masalan, bir kunda 3-4 mavzuni o’rganing, mustahkamlang va amalda qo’llang. Natijangizni tekshiring, baholang va takomillashtirish imkoniyatlarini aniqlang. Oldingi bosqichlarda erishilgan narsalarga qarab doimiy tuzatishlar kiritib boring. Kaizen falsafasining eng asosiy ma’nosи – Siz doimiy ravishda maqsadingiz uchun kichik nimanidir amalga oshirib boring. Bu metod, ayniqla, tarixiy sanalarni yod olib bilimini oshirmoqchi bo’lganlar uchun juda samarali hisoblanadi. Zero, tarixiy sanalarni yod olish – tarix fanini o’rganishning tamal toshidir.

Vanderbilt universiteti ma’lumotlariga ko’ra, 70 dan ortiq turli xil uslublar mavjud, ammo hozirgacha eng mashhurlari Vark modelidagi to’rtta uslubdir.

Bu uslublar orqali tarix fanini o’rganish tez va oson amalga oshadi.

Vizual (kosmik) uslub – o’quvchilar ko’rish orqali yaxshiroq o’rganadilar. Bu uslubda ko’proq rasm, sxema va jadvallar qo’l keladi. Biror rasmni bo’laklarga bo’ling va har bir bo’lagiga tarix fanidagi biror matn qismlarini joylashtiring. O’quvchi bo’laklarga bo’lingan rasmni tiklasin va shu orqali undagi matn ham tiklanadi.

Eshitish – o’quvchi eshitish orqali yaxshiroq o’rganadi. Tarix fanida o’quvchilarga mavzuga doir ma’lumotlar aytting. O’quvchi nutqini telifonga yozing va ularni o’zlariga eshittiring. O’quvchilarning xatolarini sinfdoshlari topishsin. Yoshlar tengdoshining maslahatini yaxshiroq qabul qilishadi.



O'qish-yozish – o'quvchilar o'qish va yozish orqali eng yaxshi narsani o'rghanishadi. Bu uslub o'qish va yozishni xush ko'rvuchilar uchun samaraliroq bo'ladi.

Kinestetik (jismoniy harakat) – o'quvchilar harakat qilish va bajarish orqali yaxshiroq o'rghanadi. Bu uslubda ko'proq harakatli o'yinlar orqali mavzu mustahkamlanadi. O'quvchilar uchun bu uslub juda qiziqarli va maroqli. Ularni dars boshlashdan oldin mayzuga diqqat qilishi va dars so'ngida qiziqarli mashg'ulot ularni kutayotgani haqida ogohlantiring. Shunda o'quvchi butun dars davomida sizni butun vujudi bilan tinglaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. J. Suyundikov " Tarix o'qitish metodikasi"
2. M. Jalilov " Metodika"
3. N. Rahmatullayev " Pedagogika"



TARIX VA TARBIYA DARSALARINI TASHKIL ETISHGA INNOVATSION
YONDASHUV

Kirgizova Mavluda Abdulamitovna
Farg'ona viloyati Farg'ona tumani 18-maktab
Xolmatova Sevara Abduqahhorovna
21-maktab tarix fani o'qituvchilari

ANNOTATSIYA : Ushbu maqolada tarix va tarbiya darslarida qo'llash mumkin bo'lган pedagogik texnologiyalar, kasbiy soha, o'quvchilarning kasbga qiziqtirish, interfaol usullar va ulardan namunalar keltirilgan.

Kalit so'zlar: pedagogik texnologiyalar, rolli o'yin, ishbop o'yin, assessment, keys stadi.

Ta'lim muassasalari tizimida tarix va tarbiya fanlarini o'qitish mazmunini kasbiy sohayo`nalishlarining mohiyatiga mos shaklda rivojlantirish, ya'ni 10 – 11 sinflarning kasbiy qiziqishidan kelib chiqqan holda qo'shimcha ma'lumotlar kiritilishi maqsadga muvofiqdir.

O'qitish jarayonini kasbiy yo'naltirish - berilayotgan bilimlarni 10 – 11 sinflarning kasbiy yo`nalishidan kelib chiqib darsni tashkil etishdir.

Tarix fanlarini o'qitishda tarixiy bilim, tushuncha va tasavvurlarni egallash, ularni izohlash, ko'nikma va malakanı shakllantirish orqali o'quvchilar intellektual qobiliyatlarini jadal o'stirishni, ularga kasb-hunarga yo`naltirilgan bilim berishni ta'minlash va kasb-hunar kolleji o'quvchilarining kasb-hunarga qiziqishini oshirish maqsad qilib olingan. Tarix fanlarini o'qitishning o'ziga xos xususiyatlari shundan iboratki, o'quvchilarning tanlagan kasbi bilan bog'liq bo'lgan tarixiy bilim, tushuncha, tassavvurni yanada rivojlantirish hamda o'zining sohasiga doir tarixiy bilimlar bilan tanishtirish ularni hayotga va kasbiy faoliyatiga tatbiq etishni o'rgatishdir.

“ROLLI O‘YIN” - ta'lif oluvchilar tomonidan hayotiy vaziyatning har xil shart-sharoitlarini sahnalaشتirish orqali ko'rsatib beruvchi o'yindir.

Rolli o'yinlarning ishbop o'yinlardan farqli tomoni baholashning olib borilmasligidadir. Shu bilan birga “Rolli o'yin”da ta'lif oluvchilar ta'lif beruvchi tomonidan ishlab chiqilgan senariydagi rollarni ijro etish bilan kifoyalanishsa, “Ishbop o'yin”da rol ijro etuvchilar ma'lum vaziyatda qanday vazifalarni bajarish lozimligini mustaqil ravishda o'zları hal etadilar.

“Rolli o'yin”ining tuzilmasi

“Rolli o'yin” ining bosqichlari quyidagilardan iborat:

1. Ta'lif beruvchi mavzu bo'yicha o'yinning maqsad va natijalarini belgilaydi hamda rolli o'yin senariysini ishlab chiqadi.
2. O'yinning maqsad va vazifalari tushuntiriladi.
3. O'yinning maqsadidan kelib chiqib, rollarni taqsimlaydi.
4. Ta'lif oluvchilar o'z rollarini ijro etadilar. Boshqa ta'lif oluvchilar ularni kuzatib turadilar.
5. O'yin yakunida ta'lif oluvchilardan ular ijro etgan rolni yana qanday ijro etish mumkinligini izohlashga imkoniyat beriladi. Kuzatuvchi bo'lgan ta'lif oluvchilar o'z yakuniy mulohazalarini bildiradilar va o'yinga xulosa qilinadi.

“ISHBOP O‘YIN” - berilgan topshiriqlarga ko'ra yoki o'yin ishtirokchilari tomonidan tayyorlangan har xil vaziyatdagi boshqaruvchilik qarorlarini qabul qilishni imitatasiya qilish (taqlid, aks ettirish) hisoblanadi.

O'yin faoliyati biron bir tashkilot vakili sifatida ishtirok etayotgan ishtirokchining hulq-atvori va ijtimoiy vazifalarini imitatasiya qilish orqali beriladi. Bir tomonidan o'yin nazorat qilinsa, ikkinchi tomonidan oraliq natijalarga ko'ra ishtirokchilar o'z faoliyatlarini o'zgartirish imkoniyatiga ham ega bo'ladi. Ishbop o'yinda rollar va rollarning maqsadi aralashgan holda bo'ladi. Ishtirokchilarning bir qismi qat'iy belgilangan va o'yin davomida o'zgarmas rolni ijro etishlari lozim. Bir qism ishtirokchilar rollarini shaxsiy tajribalari va bilimlari asosida o'z maqsadlarini belgilaydilar. Ishbop o'yinda har bir ishtirokchi alohida rolli maqsadni bajarishi kerak. Shuning uchun vazifani bajarish jarayoni individual-guruhli harakterga ega. Har bir ishtirokchi avval o'zining vazifasi bo'yicha qaror qabul qiladi, so'ngra guruh bilan maslahatlashadi. O'yin yakunida har bir ishtirokchi va guruh erishgan natijalariga qarab baholanadi. Quyida “Ishbop o'yin”ining tuzilmasi keltirilgan.

“Ishbop o'yin”ining tuzilmasi

Ishbop o'yin”ining bosqichlari quyidagilardan iborat:



1. Ta’lim beruvchi mavzu tanlaydi, maqsad va natijalarni aniqlaydi. Qatnashchilar uchun yo‘riqnomalar va baholash mezonlarini ishlab chiqadi.
2. Ta’lim oluvchilarni o‘yining maqsadi, shartlari va natijalarni baholash mezonlari bilan tanishtiradi.
3. Ta’lim oluvchilarga vazifalarni taqsimlaydi, maslahatlar beradi.
4. Ta’lim oluvchilar o‘z rollari bo‘yicha tayyorgarlik ko‘radilar.
5. Ta’lim oluvchilar tasdiqlangan shartlarga binoan o‘yinni amalga oshiradilar. Ta’lim beruvchi o‘yin jarayoniga aralashmasdan kuzatadi.
6. O‘yin yakunida ta’lim beruvchi muhokamani tashkil etadi. Ekspertlarning xulosalari tinglanadi, fikr-mulohazalar aytildi.
7. Ishlab chiqilgan baholash mezonlari asosida natijalar baholanadi.

Har bir rolni ijro etuvchi o‘z vazifasini to‘g‘ri bajarishi, berilgan vaziyatda o‘zini qanday tutishi kerakligini namoyish eta olishi, muammoli holatlardan chiqib ketish qobiliyatini ko‘rsata olishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Shodiyorov tarix fanini o’qitish metodikasi majmua
2. Davlatov tarbiya darslarini tashkil etish usllari majmua



TARIX DARSLARIDA ZAMONAVIYAXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

Raximboyeva Gulxumor Rustamovna

Otoxonov Shaxzod Bahrom o'g'li

Xorazm viloyati Yangibozor tumani 8-sonli

maktabning tarix fani o'qituvchilari:

Email: gulkumorraximboyeva@gmail.com

Email:shahzod2820@gmail.com

Annotatsiya: Ushbu maqoladatexnika vositalaridan foydalanish usullari, texnika vositalari joylashgan sinf xonasini jihozlash, o'quv teledasturlarini tashkil etish haqida yoritilgan.

Kalit so'zlar: Ta'lif vositalari, diafilm, oddiy texnika qurilmalari, ovozli apparatlar.

Maktab tajribasida plastinkalar va magnit lentalar, zamonaviy disklar yordamida, shuningdek, radiopryomniklar vositasida o'quvchilarni mumtoz va o'zbek, chet el bastakorlarining asarlari bilan tanishtirish, tarix fanlarini orgatish keng quloch yoymoqda. Chunki musiqiy ijodiy asarlarga doir maktab kursining madaniy – tarixiy materialini plastinka va tasma yozuvlarisiz ko'rsatib bo'lmaydi. Masalan, madaniyatga doir mavzularni o'tgan paytda musiqa asarlarini eshittirish darsni maroqli bo'lishiga yordam beradi. Badiiy asarlar yozilgan plastinka va mangit tasmalari ham bor. Darsda G'.G'ulomning "Sen yetim emassan" she'ri yozilgan plastinkadan foydalanish mumkin. Jamoat arboblarining, masalan Prezidentimiz Sh.M. Mirziyoyevning nutqlarini mangit tasmalariga yozib olib eshittirish mumkin yoki televizorlar yordamida dars jarayonida o'quvchilarga qo'yib eshittirish ham mumkin. Bu manbalardan foydalanishda quyidagi usullar qo'llaniladi :

1.Yozuv materiallari yuzasidan o'quvchilarga savollar berish bilan bu yozuvlar dars materiali tarkibiga kiritiladi.

2.Avvalo gramplastinka yoki tasma, disk yozuvi eshitiladi va ko'rsatiladi. So'ngra bu yozuv suhbat yordamida tahlil qilinadi.

3.Yozuvlar asosida o'quvchilarning mustaqil ishlari tashkil qilinadi. Ovozli texnika vositalariga radio eshittirishlari ham kiradi.

O'qituvchi o'quvchilar uchun radio orqali maxsus dastur yoki umumiylashtirilgan dastur bo'yicha tarixdan beriladigan eshittirishlarni eshittirishni tashkil etadi. Hozirgi vaqtida bunday eshittirishlar ko'pincha magnit tasmasiga yozib olingan bo'ladi. Tarix darslarida magnitofon yozuvlaridan keng foydalaniladi. Radio va televideniye orqali beriladigan o'quv va sinfdan tashqari ishlarga bag'ishlangan eshittirishlar tarixiy voqealarning ishtirokchilari, mehnat qahramonlari, yozuvchilar va ijtimoiy arboblar bilan o'tkazilgan uchrashuv materiallari ana shu magnitofon yozuvlarining asosini tashkil etadi. Bu uchrashuv va suhbatlar aynan takrorlanmaydi, yozib olingan magnitofon tasmasidan uzoq yillar davomida va istagan vaqtida darsda va darsdan tashqari mashg'ulotlarda foydalanish mumkin. Bu o'rinda ham texnika vositasi o'quvchiga qo'l keladi. Har xil ko'rsatuv asboblari va qo'llanmalari ta'lif texnika vositalarining uchinchi guruhini tashkil etadi. Ular epidioskop, diapozitiv, diafilmlar va o'quv kinofilmlaridan iborat. Tarix darslarida bunday texnik sharoiti mavjud bo'lган kino xonasi yoki texnika vositalaridan foydalanishga moslangan maxsus tarix xonasi bo'lishi kerak.

Bunday maxsus tarix xonasi bo'lмаган taqdirda sinfni uni texnika vositalaridan foydalanadigan qilib jihozlasa bo'ladi. Bu holda tegishli vosita va jihozlar maxsus javonda saqlanadi. Shisha yoki plynokadan ishlangan rangli diapozitlar epidioskop yordamida ko'rsatiladi. Keyingi yillarda, shishaga tushirilgan diapozitlar o'rniga diafilmlar yordamida namoyish qilinadi. Diafilmlardan har bir o'qituvchi hattoki, o'quvchilar ham foydalana oladilar. O'qituvchi darsda diapozitif yoki diafilmdan to'liq yoki qisman foydalanishi, ba'zan butun darsni o'sha materillar asosida o'tkazishi mumkin. Diapozitiflardan yangi mavzuni bayon qilishda ham takrorlash darslarda ham foydalaniladi. Har qanday holatda ham diapozitif va diafilmlar o'qituvchi bayonining aniq va jonli bo'lishiga yordam beradi. O'quv kinofilmlari ham ta'limning ko'rsatmali vositalari jumlasidandir, tarix o'qitishda o'quv kinofilmlari vositadir. Kinofilm o'quvchilar ko'z o'ngida tarixiy voqealarning jonli obrazini ko'rsatmali qilib to'liq harakatda gavdalantiradi. O'quvchilar boshqa ko'rgazmali qurollardan ko'ra kinofilmlar vositasida tarixiy o'tmisni jonliroq idrok etadi. Tarixiy mavzularga bag'ishlangan badiiy filmlar (masalan "Muz jangi") "Jahon tarixi" fanini o'qitishda o'zining



mazmuni va tarixiy voqealarni jonli qilib ko’rsatish jihatidan tarixiy badiiy asarlarga o’xshab ketadi. Kionfilmlar, ayniqsa badiiy filmlar o’quvchilarga ijobiy ta’sir ko’rsatish, estetik va axloqiy tarbiya berish vositasi hamdir. Kinofilmlar bilim olish vaqtini iqtisod qilishga yordam beradi. O’quvchilar oddiy sharoitda o’quvchining bayonidan muzey va har xil tarixiy joylarga ekskursiyalarda bo’lib soatlar surf qilib oladigan bilimlarni 10 – 15 daqiqали filmni ko’rib ham olishlari mumkin. O’quv filmlarining emotsiyonal, estetik ta’siri ham boshqa ko’rsatmali qurollarga nisbatan shubhasiz kuchlidir. Hozirgi davrda barcha jabxani o’z ichiga olib borayotgan kompyuter tizimidan ham tarix darslarida foydalanish ijobiy natijalarga olib keladi. Masalan, o’quvchilarning olgan bilimlarni aniq baxolashda kompyuterdan foydalanish mumkin. Bunda utilgan bob buyicha test savollari to’zib javoblarini kompyuterdan olish mumkin. Kinofilmni o’quvchilarga ko’rsatishdan oldin, o’qituvchining o’zi uni sinchiklab ko’rib chiqishi va o’rganishi lozim. Bu bilan o’qituvchi filmning umumiy mazmuni bilan, asosiy diqatni jalb qiladigan eng muhim kadrlar va suxandon matni bilan tanishtiradi. Shundan keyingi film o’quvchilarga ko’rsatiladi, so’ngra film yuzasidan suhbat o’tkaziladi, eng muhim kadrlar yuzasidan savollar beriladi, film mazmuniga bog’lab uyga vazifa topshiriladi.

Foydalilanigan adabiyotlar:

1. Azizxo’jayeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik maxorat.-T.: TDPU. 2003.
2. J.G. Yo’ldoshev, S.A.Usmov. Pedagogik texnologiya asoslari.-T.: O’qituvchi. 2004.



O’RTA OSIYO VA QOZOG‘ISTON MUSULMONLAR BOSHQARMASI
FAOLIYATINING DASTLABKI YILLARI

Umarov Sherzod Maxmudovich
Marg’ilon shahar 1-DIUM o‘qituvchisi

Annotatsiya: ushbu tezisda O’rta Osiyo va Qozog‘iston musulmonlar boshqarmasi faoliyatining dastlabki yillari to‘g‘risida ma’lumotlar keltirilgan bo‘lib bu boradagi ilmiy izlanishlar natijasi keltirilgan.

Kalit so‘zlar: masjid, madrasa, musulmonlar boshqarmasi, ta’sis kengashi, diniy markaz

O’zbekistonda musulmonlar boshqarmasini tuzish taklifi bilan 1943-yilda shayx Eshon Boboxon ibn Abdulmajidxon O’zbekistan Respublikasi Oliy Soveti nomiga bir necha marotaba yozma murojaat qilgadi. Nihoyat, 1941-yilning 31-iyulida SSSR Oliy Sovet Prezidumining qarori asosida, O’rta Osiyo va Qozog‘iston musulmonlari faoliyatini boshqaruv markazi rolini bajaradigan maxsus idora tuzishga ruxsat berildi.

Markaz qaroridan so‘ng diniy boshqarma tuzilmasini ishlab chiqish uchun Markaziy Osiyodagi beshta Respublikaning ko‘zga ko‘ringan, diniy ulamolaridan maxsus tarkib tashkillandi. 1943-yil sentabr oyida O’rta Osiyo va Qozog‘iston musulmonlari maslahat kengashiga RFSRning Yevropa qismi Sibir musulmonlari diniy boshqarmasi raisi shayx Abdurahmon Rasuliy va Moskva musulmonlari bosh masjidi imom xatibi shayx Qiyomiddin Qodiriy taklif etildi. O’sh kuni to‘planganlar Eshon Boboxon ibn Abdulmajidxon boshchiligidagi ta’sis kengashi tarkibini tasdiqladi va diniy markaz faoliyatiga taalluqli taklif va mulohazalarini tinglab, qaror qabul qildi. Bir qancha vazifalar belgilanib, 1943-yilning oktabr oyi Toshkentda O’rta Osiyo va Qozog‘iston musulmonlarining birinchi qurultoyi chaqirishga kelishib olindi.

1943-yil 20-oktabrda O’rta Osiyo va Qozog‘iston musulmonlari I ta’sis majlisi chaqirildi. Majlisga 160 ta delegatlar taklif qilingan va ochilish marosimida Mus’haf olib kelinib, tilovat qilingan. Toshkentda ish boshlagan majlis qatnashchilari diniy boshqarma ustavini tasdiqlashadi, boshqarma hay’ati a’zolari kelishilgan holda har bir respublikadan bittadan nomzodni besh yil muddatga saylab olishadi.

Shu tarzda O’rta Osiyo va Qozog‘iston musulmonlari diniy boshqarmasi (SADUM) tashkil topgani va rasmiy faoliyatini boshlagani e’lon qilinadi.

Tarixiy hujjatlarning guvohlik berishicha O’rta Osiyo va Qozog‘iston musulmonlari diniy boshqarmasining ruxsatisiz joylarda masjid va madrasalar ochilayoggani, ayrim diniy muassasalarga imom-xatiblar xalq tomonidan saylanayotgani qayd qilinadi. Arxiv xujjatlaridan birida, ya’ni O’zbekiston SSR diniy ishlar kengashi vakili I.Ibodinovning 1946 yilning yozida SSSR Ministrler soveti qoshidagi diniy ishlar kengashi raisi I.V.Shlyanskiyga yo’llagan maxfiy maktubi bu masaladagi fikrni tasdiqlaydi. Mazkur maktubda masjid, qabristonlarni ochish, ularga imom va mullalarni tayinlash, O’rta Osiyo va Qozog‘iston musulmonlari diniya boshqarmasi qarori bilan amalga oshirilishi qayd qilingan. Shunga qaramay Qирг‘изистон SSR bosh qozisi Sh. Xoliquzzarov respublikada masjidlar qurish, ularni ochish hamda yangi ochilgan masjidlarga imomlar tayinlashni o‘zboshimchalik bilan hal qilgan. Qирг‘изистонning O’sh shahridagi Xazrati Taxti Sulaymon ziyoratgohini ochish hamda Abdullaxon ibn Iskandariy Rabot masjidini ta’mirlab ishga tushirish uchun rasmiy ruxsatsiz, xalqdan 85000 so‘m pul to‘plagani kabi holatlardan bilib olsa bo‘ladi.

Ikkinchi jahon urushi yillarda, ya’ni 1943-yilda vujudga kelgan O’rta Osiyo va Qozog‘iston musulmonlar diniy boshqarmasi tashkiloti mavjud bo‘lgan imkoniyatlardan to‘la foydalangan bo‘lmasa-da, diniy muassasa va tashkilotlar tarixida muhim o‘rin egalladi.

Foydalilanigan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O’zbekiston tarixining dolzarb muammolariga yangi chizgilar. Davriy to‘plam. – №2. – T.: Sharq, 1999.
2. O’zbekistonning yangi tarixi: O’zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida. 2-kitob. – T.: Sharq, 2000. – 688 b.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: З-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиши муддати: 31.12.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000